



XIV-XV асрларда туркий халкларнинг бошка халклар билан адабий алокалари яна ҳам кенгайди. Бу адабий алокалар бир-бирининг адабий меросини ўқиб ўрганиш, адабий таъсирланиш, асарларига мухаммаслар боғлаш, бир-бирларига йўл-йўриklar кўрсатиш, илхомлантириш, ўзаро дўстлик, асарларини таржима қилиш қабиларда кўринади. Ўзбек адабиётида форс-тожик адабиётининг катта ижобий таъсири бўлганлиги маълум. Шу сабаб ҳам Низомий, Саъдий, Хофиз Шерозий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва бошқаларнинг асарлари турли даврларда таржима қилиниб ўзбек китобхоналарига етказилди.

Саъдийнинг «Гулистон» асарини Сайфи Саройи таржима қилди. Агар эътибор қилинса, ўтмишда Низомийнинг учта асари таржима қилинган. Унинг «Панж ганж»идаги «Махзанул асрор» асарини Х.Хоразмий, биз ўрганаётган «Хисрав ва Ширин» достонини Кутб ва XIX асрда «Хафт пайкар» асарини Огахий таржима қилди.

Кутб шоир сифатида адабиётимиз тарихида «Хисрав ва Ширин» билан таниқлидир. Унинг ҳаёт йўли, адабий мероси ҳақидаги маълумотлар унчалик кўп эмас. Баъзи манбалар унинг ўз асари орқали етиб келган. Бундан англашилишича, шоир Хоразмда тугилиб ўсган. Асли исми Кутб, баъзан Кутб Хоразмий аталиши унинг Хоразмдан эканлигига ишора қилади. Шоирнинг тугилган ва вафот этган йиллари санаси маълум эмас. «Хисрав ва Ширин»нинг муқаддимасида кўрсатилишича, у XIV аср ўрталарида яшаб ижод этган, яхшигина таҳсил олган. Шарқ адабиётини пухта ўрганган. Унинг ижоди Хоразмнинг Олтин Ўрда давлатига тобелиги даврига тўғри келади. Маълумотларга кўра Кутб XIV асрнинг 30-йилларида Олтин Ўрданинг пойтахти Сигнак шаҳрига борган ва шу ерда «Хисрав ва Ширин» достонини ёзиб тугатган.

Асар Олтин Ўрда хонларидан Ўзбекхоннинг ўғли Тинибекка бағишланган. Айрим манбаларда асарнинг ёзилиш йили 1340 йил деб кўрсатилади. Шарқшунос олим А.Тоҳиржоновнинг фикрига кўра асар 1330-1336 йилларда ёзилган деб кўрсатилади.

Шоир китобни ёзиб бўлгач, уни Тинибекхонга тақдим қилганми, йўқми, унинг ҳаётини охириги йилларига доир маълумотлар аниқ эмас.

Достоннинг қиринч қисмида Тинибекка бағишлов битилган. Лирик чекинишлар қилиб, газаллар қиритган. Бу нарса Кутбнинг яхшигина шоир бўлганидан далолат беради. «Хисрав ва Ширин» достонининг кўлёмалари унчалик кўп бўлмаган. Асар ўз даврида халқ орасида кенг ёйилмаган. Асарнинг илм аҳлига маълум бўлган ягона нусхаси унинг вафотидан кўп ўтмай Мисрда кўчирилган. Бу нусха Барка Факих ибни Бароказ Эдгу Кипчокий томонидан 1383-1384 йилларда амир Кутлугхўжанинг тавсияси билан

кўчирилган.

1948 йил Тошкентда босилган «Гулдаста» китобида Кутбнинг «Хисрав ва Ширин» достонидан парчалар эълон килинди. Шу йили А.Тохиржоновнинг йирик тадқиқоти яратилди.

1973 йил дoston тўлиқ нашр этилган. Кутб Низомийнинг асарини эркин таржима қилди. У шундай ёзади:

Козонтек кайнаб уш савдо пишурдум,
Низомий болидин халво пишурдум.

Кутб ўз таржимасида айрим манзаралар тасвирида бир мунча мустақил йўл тутди. У асар сюжетини баён қилишда Низомий йўлидан боради. Хатто ўрни билан байтларнинг аниқ таржимасини келтиради. Лекин таржимон кўп ҳолларда асл нусха матнига сўзма-сўз риоя қилмайди. У ХИИ аср қиссаси сюжетини умуман саклаб қолган ҳолда, Низомийнинг форсча асаридан фарқли янги бир тарихий ижтимоий шароитнинг тафсилотлари, халқ оғзақи ижоди, ХИВ асрдаги халқ урф-одатларининг маълум бир томонларини ўз асарига сингдиради. Шунингдек, Кутб асарида асл матн текстига кўра қисқартирилган ўрин ҳам мавжуд. Кутб ўз асарида бир неча ўринда Низомий номини тилга олади. Унга ҳурмат билан муносабатда бўлади.

«Хисрав ва Ширин» мураккаб сюжетга эга бўлган асардир. Ундаги асосий воқеалар Хисрав ва Ширин сюжети саргузаштларининг баёнидан иборат бўлсада, Хисрав тугилган муҳит тасвирига алоҳида ўрин берилади. Сосонийлар сулоласидан бўлган Хурмуз оиласида Хусравнинг тугилиши катта шодёна ва хурсандчиликка айланди. Юсуфдек чиройга эга бўлган гўдак жуда тез улғаяди, ҳам ақлий, ҳам жисмоний жихатдан юсак истеъдодга эга бўлиб ўсади. У мамлакат ишларига аралаша бошлайди. Унинг ишларига яқин дўсти Шопур (Кутбда Шовур тарзида берилган) ёрдамлашади. Шопур Хисравга тоғлар водийси Барда маликаси хақида гапириб беради. Шириннинг таърифини эшитган Хисрав унга гойибона ошиқ бўлади. Ширинни излаб топишни Шопурга топшириб, Бардага жўнатади. Сайр қилиб юрган Ширинга Шопур Хисравнинг расмини кўрсатишга эришади. Хисрав тўғрисидаги хабарни эшитган Ширин Мадойиндан йўлга чиқади. Шу орада Хисравнинг отаси вафот этганлиги хақидаги хабар келиб қолади. Хурмузнинг лашкарбошиси Баҳром Чўбин тахтга даъвогар бўлиб чиқади. Хисрав қаршиликка учраб Арманистонга қайтади. Рум қайсарининг мадади билан тахтни эгаллайди. Унинг кизи Марямга уйланади. Ундан кейин эса Исфохонлик Шақарга майл билдиради. Ширин Хисравнинг беқарорлигини қоралайди, уни тарбиялайди.

Хисрав асардаги марказий қаҳрамонлардан. У сосонийлар тахтининг меросхўри. Хисрав Ширин билан учрашганда, Баҳром Чўбин билан тўқнашганда, Фарход билан юзлашганда, Фарходнинг ўлими муносабати билан Ширинга йўллаган мактубида ўзининг маънавий дунёсини, иродасини намоён этади. У Фарход ўлимига лоқайд:

Чу Фарход ўлди, Ширин бор бўлсун,
Сарик гул сўлди, насрин бор бўлсун.

Хисрав Шеруянинг тазйиқи билан тахтни тарқ этади ва шу асно вафот этади.

Асардаги образларнинг яна бири, Шарқ адабиётининг қадимий тимсолларидан ҳисобланган Фарходдир. Низомий достонида таъқидлашча, Фарход халқ ичидан чиққан тош йўнар уста. У дoston хикояларида Ширин учун сут ариги қазийш жараёнида пайдо бўлади. У Шириннинг таклифини бажону дил қабул қилади. Бир ой ичида қўйлар

Ўтлайдиган яйловдан Ширин касригача бўлган арикни казиб тугатади. Фарход Ширинни севиб қолади. Унинг Хисравга кўнгил берганини билиб тоққа чиқиб кетади. Хар тун Ширин касри ёнига келиб, тонг отиши билан яна тоққа йўл олади. У шайтонсифат кампирнинг гапига кириб, яъни ишониб ўзини халок этади.

Достонда Шопур образи ҳам кенг намоён бўлади. У дўсти Хисрав учун ҳамма ишни қилишга тайёр. Кискаси, Шопур дўсти учун жонини қурбон қилишга тайёр киши образида намоён бўлади.

Кутбнинг «Хисрав ва Ширин» достонида туркий халқларнинг ҳаётига оид кўпгина қирралар намоён бўлади. Янги-янги лавҳалар, маълум бир қисқаришлар, янги талқинлар тасвири берилди. Шоирнинг бу асари таржима адабиёти ҳам туркий адабиётда «Хамса»нинг илк қуртаклари юзага келиши билан эътиборлидир.